

GIACINT GULIN'S JEALOUSY AND QUARANTINE MEASURES AGAINST IT

Y.H. Buranov, Ph.D., ABMambetnazarov, G.Kh. Turamuratova

Izdavkarantin Inspection

Plant Quarantine Scientific Research Center

Annotation:

The article describes the prevalence of quarantine diseases, damage and quarantine measures of hyacinth flowers, and the harm caused by pathogens

Keywords:

Hyacinth, pathogen, quarantine diseases, hepatitis, spread, damage, quarantine measures.

Сўнги йиллари гулчилик саноати тез суъратларда ривожланиб бормоқда. Гулли экинлар жаҳонда 609000 гектарни, шундан 53000 гектари Европа давлатларига туғри келади. Россия иссиқхоналарида 168 гектар майдонда гуллар етиштирилади ва уруғ ҳамда пиёзлар Европа давлатларидан асосан, Голландиядан импорт қилинади. Гиацинт гуллар турлари Liliopsida пиёздошлар синфи ва Liliaceae семействасига мансуб бир йиллик ўсимликларга киради.

Гиацинт гулининг Республикада ташқи карантин касалликларидан бири гиацинт сариқ касаллиги ҳисобалиб бу касалликни қўзғатувчиси *Xanthomonas campestris* pv. *hyacinthi* (Wakker) Dye бактерияси ҳисобланади, касаллик асосан гиацинт гули ва бошқа пиёзгулларнинг пиёзи, илдиз бўғзи ва барглари зарарлайди, уларни қуриб қолишига сабаб бўлади. Ушбу патоген бактерия АҚШ, Австралия, Япония, Италия, Сербия, Руминия, Польша, Венгрия, Голландия, Ирландия, Буюк Британия, Россия, Грузия ва бошқа давлатларда тарқалган.

Гиацинт гулида *X.Campestris* pv. *hyacinthi* бактерияси асосан зарарланган барглардан ёмғир томчилари, уларга ишлов бериш машиналари, асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалиги агрегатлари ва ҳашаротлар орқали тарқалади. Бактерияларнинг турли хил қушлар ва ҳашаротлар билан тарқалиши кузатишган. Голландияда хавfli касаллик бўлганлиги сабабли XX-асрнинг ўрталарида Европанинг айрим давлатларида ўта зарарли организмлар рўйхатига киритилган.



1

2

3

1-расм. Гиацинт гулининг сариқ касаллигининг зарари (1,2) ва соғлом ўсимлик (3)

Карантин чора тадбирлар. Гиацинт гулининг сариқ касаллиги тарқалган худудлардан экиш материаллари, кўчат ва қаламчаларни олиб келишни тақиқлаш; ушбу гулларни импорт қилишда карантин тадбирларга қатиъан амал қилиш; сариқ касаллиги билан зарарланган гиацинт гули етиштирилаётган иссиқхона ва очик далалар аниқланса, зудлик билан карантин чора-тадбирларини кўриш, бунда ўсимлик қолдиқларини, илдизлари, пиёзларини майдондан ташқарига чиқариб йўқ қилиш (ёқиб юбориш); ушбу касаллик билан зарарланган майдонларга гуллар экилиши ман қилинади ҳамда ўрнига бошқа ўсимлик турларини экиш тавсия этилади.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Буриёв Х., Абдурахмонов Л, Жононбекова А. Гулчилик. Т. Меҳнат 1999 238 б.
2. Воробьевская Е.М., Коршикова Н.Г. Технология выгонки гиацинта восточного (*Hyacinthus orientalis hybridum* // Вестник молодежной науки. Номер:5(17) 2018 С: 21
3. Кияткин А. К.. Ҳаваскор гулчиларга маслаҳатлар Т.: «Меҳнат», 1987. Б. 56
4. Кошкин, Е.И. Качество продукции цветоводства: проблемы и решения: учеб. пособие / Е.И. Кошкин, О.Ф. Панфилова, Н.В. Пилильщикова. – Москва: Изд-во РГАУ МСХА, 2012. – 268 с.
5. <https://www.lex.uz/docs/5177479>
6. <https://www.researchgate.net/publication/322598420>